# Тошкент ҳақиқати

• № 69 (10.646).
1994 йил 17 сентябрь шанба
Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия қўмитасининг Раиси Ёсир Арафотни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Яқин Шарқдаги вазият, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш, дўстона алоқаларни ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга ташрифи ғоят самарали ўтаётганидан мамнуният изҳор этди. Мамлакатимиз келажаги ва тараққиётига равнақ тилади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

СУРАТДА: қабул пайти

(ЎзА).

• *Вилоят ҳокимлигида*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ XVI сессияси олдидан шу ҳудуддан сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда фаоллар, маъмурий ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими М. Икромов олиб борди.

Учрашувда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси кун тартибига киритилган масалалар ҳамда сессиялар оралиғида Олий Кенгаш, халқ депутатлари амалга оширган ишлар хусусида республика Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Э. Ҳалилов қисқача маъруза қилди.

Учрашувда маъруза юзасидан республика халқ депутати Э. Шайхов, вилоят прокурори А. Маннонов ва бошқа ўртоқлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мулоқот чоғида депутатлар Олий Кенгаш республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, янги қонунларни ишлаб чиқиш, бозор иқтисодиётига ўтиш ва бу жараёнда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида самарали фаолият кўрсатаётгани, бу ишларда вилоятдан сайланган халқ депутатлари ҳам фаол иштирок этаётганликлари алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, республика Олий Кенгашининг масъул ходимлари, Ўзбекистон Адлия вазирлиги раҳбарияти вакиллари иштирок этдилар.

## ЁСИР АРАФОТ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия қўмитасининг Раиси Ёсир Арафот 15 сентябрь куни Тошкентдан жўнаб кетди.

Пойтахт аэропортида меҳмонни Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## РЕСПУБЛИКА ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Энергетика тармоғини ривожлантиришдаги кўп йиллик фидокорона хизмати ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

***"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ"***

**Каримев** Иззатилло Хайруллаевич — Навоий иссиқлиқ электр станциясининг чилангари

**Лившиц** Александр Львович — Фарғона иссиқлик электр марказининг директори

**Эгамбердиев** Набижон Ботирович — Сирдарё иссиқлик электр станциясининг монтёри

**Ҳамроқулов** Сайфиддин Михайлович — Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасининг устаси

***"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ"***

**Исаев** Георг Георгинович — "Ўзбекгидроэнергоқурилиш" трестининг бошқарувчиси

***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН***

**Абибакиров** Аъзамбой — Ўрта Чирчиқ тумани электр тармоқларининг электр монтёри

**Гадоев** Ғайрат Шодиевич — Шаҳрисабз электр тармоқларининг катта устаси

**Жўрақулов** Мамат — Самарқанд электр тармоқларининг чилангари

**Миробидов** Миртоир Мирзоҳидович — "Ўзэнергоалоқа" тармоқ корхонасининг лаборатория бошлиғи

**Нуриддинов** Комил Бадабиевич — "Ўзбекэлектртармоққурилиш" трестининг бригада бошлиғи

**Охунов** Ҳусанжон — Қўқон шаҳар электр тармоқларининг устаси

**Рашидов** Аҳмад Роҳатович — Тошкент иссиқлик маркази қозонхонасининг катта машинисти

**Салимов** Фансит Муҳаммадраҳимович — Ўрта Чирчиқ ГЭСлар тизмасининг катта устаси

**Слесарев** Валерий Алексеевич — "Иссиқликэлектрлойиҳалаш" институтининг қурилиш бўлими бошлиғи

**Темиров** Ғиёс Жумаевич — Навоий электр тармоқларининг электр монтёри

**Убайдуллаев** Ҳошимжон — Наманган электр тармоқларининг катта устаси

**Хўжамбердиев** Ҳалим Холматович — Андижон электр тармоқлари корхонасининг автомобиль ҳайдовчиси

**Юнусов** Баҳром Абдазимович — Тошкент тумани электр станциясининг устаси

**Ўринбосаров** Абдреим — Тахиатош иссиқлик электр станциясининг чилангари

**Қоратоев** Сайдулла Султонович — "Ўзбекэнерготузатиш" ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 15 сентябрь.

• *Шу сонга хабарлар*

## ЯЙРАНИНГ ЮТУҒИ

Американинг Мичиган штатида жойлашган "Интерлокин" мусиқа марказида бўлиб ўтган халқаро мусиқа танловида Ўзбекистонлик Яйра Матёқубова иқтидорли скрипкачи деб топилиб, шу ерда бир йил мобайнида таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Яйра ўтган йили ҳам шундай танловда ғолиб чиқиб, икки ой давомида "Интерлокин" марказида мусиқадан таҳсил олган эди.

## ЁШЛАР МЕҲНАТИ — ВАТАНГА

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Қўмитасининг жойлардаги ташкилотларининг бир гуруҳ вакиллари "Шижоатли меҳнатимиз — сенга Ватаним" шиори остида пахта далаларига жўнаб кетди. Сафар қатнашчиларининг вазифалари пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиши учун шароит яратиш, шоирлар, ёзувчилар ва санъаткорлар билан қизиқарли учрашувлар ташкил этишдан иборат.

**(ЎзА мухбири).**

## ҲАДИЧА МУСАХОНОВА НОМИ БЕРИЛДИ

Ёдингизда бўлса, "Тошкент ҳақиқати" газетасида "Меҳри дарё эди" мақоласи эълон қилиниб, унда таниқли жамоат ва давлат арбоби Ҳадича Мусахонованинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган, унинг номини абадийлаштириш ҳақида таклиф айтилган эди. Бу таклифни жамоатчилик кенг қўллаб-қувватлади. Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур туманидаги собиқ Коробов кўчаси бундан буён Ҳадича Мусахонова номи билан аталадиган бўлди.

Шу муносабат билан 15 сентябрь куни "Наврўз" маҳалласи фаоллари, Шайҳонтоҳур тумани ҳокимлиги, жамоатчилик вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон фахрийлар ташкилотининг раиси Б. Раҳимов, "Ёдгорлик" жамияти раиси Н. Муҳиддинов сўзга чиқиб, опанинг эл-юрт олдидаги катта хизматлари ҳақида тўхталдилар.

*Ҳимматингизни дариғ тутманг*

## ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

Ўзбекистон ҳукуматининг "1941 — 1945 йиллард фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида"ги қарорига кўра уруш фахрийларига, урушда ҳалок бўлганлар оилаларига ва фронт ортида меҳнат қилганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида республика фахрийлар ташкилотлари кенгашида махсус 000700910 Ўзсаноатбанкнинг МФО № 1722646728 ҳисоб рақами очилди.

Биз фахрийлар ушбу янгиликни чин дилдан ва миннатдорчилик билан кутиб олдик. Ҳар биримиз барча меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари бошлаган хайрли ишга албатта улушларини қўшадилар, деб ишонамиз.

Вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши ҳар бир уруш қатнашчиси, урушда ҳалок бўлганлар оилалари, ўз меҳнати билан ғалабага ҳисса қўшганлардан ҳеч бири байрам муносабати билан кўрсатадиган эътибор ва ёрдам ан четда қолмаслигига эришишга ҳаракат қиламиз.

Биз вилоятимиздаги ҳар бир меҳнат жамоаси, жамоат ташкилотлари, фирмалар раҳбарлари, фермерларни, ҳаммани ўз куч-қувватини, билимини, тажрибасини Ватанимизга бахшида этган кишиларга моддий ёрдам кўрсатишдек савобли ишга ўз улушларини қўшишга чақирамиз.

**А. АЛИМОВ,**
**вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси.**

**• «Ҳосил — 94» • ТЕЗКОР ГУРУҲ ХАБАР БЕРАДИ**

Тел: 33-40-48, 33-70-10

## КУНДАЛИК ЎСИШ 3,4 ФОИЗ

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги "Ўжакент" жамоа хўжалиги пахтакорлари йиғим-теримда пешқадамликни қўлга олдилар. Ўтган куни далаларда пахта теришга киришган 8 та "зангори кема", айниқса, суръатга қанот бағишлади. Шу куни Ватан хирмонига 60 тонна дурдона тўкилди. Кунлик ўсиш 3,4 фоизни ташкил этди.

— Ҳозиргача жами терилган пахта 110 тоннадан ошиб кетди, — дейди жамоа хўжалиги раиси Жамол Тўлаганов. — Бунда теримчиларимизнинг муносиб улуши бор. Қўл теримига алоҳида эътибор бераётганимиз яхши самаралар бераяпти. Пахтамизни юқори навларга топширяпмиз. Республика ҳукуматининг қарори билан терилган пахтага тўланадиган ҳақларнинг оширилганлиги одамларимизни йиғим-теримга ялпи сафарбар этишда жуда қўл келяпти. Агар мавжуд барча техника ва одам кучларини яқин кунлар ичида теримга тўла жалб қилсак, суръат бундан ҳам юқори бўлади, йиллик режамизни октябрь ўрталарида бажармоқчимиз. Бунга тўла асосимиз бор.

**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.**

• *Чиноз*

## МАНА БУ БОШҚА ГАП, РАИС!

***Чиноз туманидаги "Йўлтушган" жамоа хўжалиги ўз тарихи ва анъаналарига эга бўлган, тажрибали пахтакорлари билан ном чиқарган хўжаликлардан бири эди. Афсуски, кейинги бир неча йил давомида бу ерда пахта тайёрлаш давлат режалари узлуксиз бажарилмади. Йиллик режа 1991 йилда 90 фоизда, 1992 йилда 71 фоизда, 1993 йилда эса 57 фоизда қовиб кетди. Натижада хўжалик иқтисодиётига путур етди, у қарздорлар рўйхатига тушди...***

***Шу йилнинг январида "Йўлтушган"га янги раис — туман ҳокимининг муовини лавозимида ишлаган Баҳодир Зуфаров келди. Хўш, аҳвол ўзгардими? Пахтакорларнинг бу йилги кайфиятлари қандай? Янги раис ҳузуридаги суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.***

**— Баҳодир Қодирович, сиз жамоа хўжалигининг ҳар томонлама мушкул аҳволга тушиб бораётганлигини аввалдан билардингиз. Ана шу мураккаб вазиятдан чиқиш учун ишни нимадан бошладингиз?**

— Қўшни хўжалик ҳудудида яшаганим учун "Йўлтушган" одамларини, уларнинг муаммоларини, уй-ташвишларини бир қадар яхши биламан. Шунинг учун бўлса керак, хўжалик меҳнат аҳли билан тез тил топишиб кетдик. Ишни фахрийлар, тажрибали деҳқонлар билан маслаҳатлашиш, уларнинг таклиф-мулоҳазаларини ўрганишдан бошладим. Гапни бир жойга қўйгач, кўплашиб сув йўлларини тозаладик, ариқ-зовурларни тартибга келтирдик. Кузда бор-йўғи 80 гектар ер шудгорланиб, қолгани қор тагида қолган экан. Мавжуд кучни ишга солиб, барча экин майдонларини шудгордан чиқардик, 500 тонна минерал, 250 тонна маҳаллий ўғит бериб озиқлантирдик. Ахир оч ётган ердан кузда қандай қилиб ҳосил талаб қиламиз?! Ҳамжиҳатлик билан ҳамма ишни изга туширса бўлар экан...

*Мухбир пахтазор кезади*

**— Ҳозир айни куз — ғалвир сувдан кўтариладиган пайт. Бутун вилоятда пахта йиғим-теримига катта тайёргарлик билан киришилди. Бу борада хўжаликда амалга оширилаётган ишлар ҳақида нима дея оласиз?**

— Бу йил жами 480 гектар майдонга "С-65-24" навли чигит уруғини экканмиз. Ҳозиргача олтмиш фоиздан ортиқроқ пахтамиз очилди. Режа бўйича гектаридан 26 центнердан, жами 1245 тонна пахта териб олишимиз керак. Лекин ҳосил чўғини чамалаб, ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, бемалол 28 центнердан пахта олиш имкониятимиз бор экан. Шунинг учун йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб, хўжаликдаги мавжуд кучларни теримга сафарбар қилдик. Ҳозир йиллик режанинг 1-1,5 фоизи миқдорида пахта тайёрлаб, кунлик хирмонни кўпайтираяпмиз. Машина тушадиган майдонлар дефоляциядан чиқарилган, тўққизта терим машинаси ишга шай. Бугун-эрта далаларимизда машиналар ҳам ишлай бошлайди. Насиб этса, режани бу йил албатта бажарамиз!

**— Ўзингиз яхши биласиз, пахта теримида четдан қўшимча куч олиш пахта таннархига таъсир этмай қолмайди. Буни иқтисодчи сифатида яхши тушунасиз... Мен хашарчиларга ишониб, терим мавсумида четда томошабин бўлиб қоладиган хўжалик аъзолари ва шу ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларни назарда тутаяпман...**

— Фикрингиз тўғри. Бу масалага оқилона ёндошилмаса кўп томонлама ютқазиш ҳеч гап эмас. Бу йилги мавсумда биз буни ҳисобга олдик. Одамларга тушунтирдик, бу самара берди. Ҳозирнинг ўзидаёқ юзлаб чинозликлар теримда ёрдам беришни бошлаб юборишди. Табиийки, ишнинг бошида барибир бригадаларнинг ўз аъзолари туришлари керак. Бунинг барча ташкилий чораларини кўриб қўйганмиз. Масалан, хўжалигимиздаги Ҳабиба Жўраева бошлиқ бригадани олайлик. Бу ерда жами 59 гектар пахта майдони бор. Режа бўйича 160 тонна пахта териб топширилиши лозим. Ҳозир бригаданинг 15 аъзоси қўл теримида қатнашаяпти. Мавсумда ҳар бир теримчи 5 тоннадан пахта тергандаям 70-75 тонна хирмон уюшар экан. Оталиқ ташкилотлар ва бошқа ёрдамчилар кўмагини ҳисобга олсак, теримдан келадиган фойданинг анчагина қисми шу хўжалик меҳнаткашлари манфаати учун сарфланиши нақддир.

**— Теримда иштирок этаётганларга қандай ҳақ тўланади?**

— Машина териминиинг бир тоннасига 10 сўмдан, қўл теримида эса ҳар бир килограмм пахта учун 40 тийиндан ҳақ тўлашга келишганмиз. Бундан ташқари, ёрдамчиларни, айниқса, пахтакорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласига эътиборни кучайтириш чораларини ўйлаяпмиз. Ўз имкониятимиз даражасида меҳнаткашларимиз учун жами 40 тонна сомон ажратдик, 20 тонна полиз ва сабзавот маҳсулотлари, 100 тонна макка пояси тарқатилади. Нархи бозордагидан 50 фоиз арзон. Ҳар ҳолда, деҳқонга шу ҳам мадад-да.

**— Сизга сўнгги савол: мустақил давлатнинг бугунги кун раиси учун қандай ҳислат ва хусусиятлар муҳим деб ҳисоблайсиз?**

— Бугунги кун раиси нафақат иш юритишни, балки одамлар кўнгли ва кайфиятини ҳам пухта билиши, ишда шахсий намуна кўрсата олиши муҳим фазилат деб ўйлайман. Қисқа қилиб айтганда, раис-фаол инсон бўлиши керак.

**А. РАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси,**
**"Тошкент ҳақиқати"нинг Чиноздаги мухбирлар пости аъзоси.**

• *Ангрен*

## ТЕЗЛАШАДИ, СИФАТИ ОШАДИ

Шаҳардаги керамика комбинатида ишлаб чиқаришга янги, замонавий технологияларни жорий қилиш ишлари давом этмоқда. Яқинда корхонада плиталарни жадал пишириш имконини берувчи роликли линия ишга туширилди. Илгари плиталарни пишириш икки кун давом этар, ҳамма жараёнлар — плиталарни печь ичига жойлаштиришдан тортиб олиб тахлашгача бўлган ишлар қўл кучи билан бажариларди. Янги линия тўла механизациялашган ва автоматлашган бўлиб, пишириш жараёни бор-йўғи икки соат давом этади. Бунинг устига печнинг ҳарорати ҳам баланд, газ ўрнига электроэнергиясидан фойдаланилади.

Бу линия лойиҳасини Москвадаги қурилиш керамикаси илмий-тадқиқот институти тайёрлади. Қатор асбоб-ускуналарни Тошкентдаги "Технолог" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ишлаб чиқарди. Янги линияда тайёрланган плиталар сифати яхшилиги билан ҳам ажралиб туради. Эндиликда корхонада қўшимча яна 500 минг квадрат метр шундай маҳсулот тайёрлаш мумкин бўлди.

Ҳозирги вақтда шундай линиянинг иккинчисини қуриш давом этмоқда. Ишлаб чиқаришни қайта қуриш юзасидан олиб борилаётган бу ишларни ҳамир учидан патир десак бўлади. Кейинги босқичда хорижий фирма билан шартнома асосида йилига бир миллион квадрат метр плита ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга тушириш назарда тутиляпти. Корхона ишлаб чиқаришини кенгайтиришга қаратилган бундай ишлар давом этаверади.

# БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ САФАРБАР ЭТИБ, ПАХТА ТАЙЁРЛАШ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

*• Вилоят ҳокимлигида*

## *МАВСУМ КУТИБ ТУРМАЙДИ*

ПАХТА йиғим-теримида долзарб кунлар бошланди. Деҳқонларимиз йил бўйи қилган фидокорона меҳнатлари эвазига етиштирилган мўл ҳосил хирмонга тўкила бошлади. Бу йил қўл терими ва машиналар кучига катта умид боғланмоқда. Асосий мақсад даладаги бор ҳосилни қисқа муддатларда, нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишдан иборатдир.

14 сентябрь куни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу энг муҳим масалага бағишланди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармаларининг раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, вилоят, шаҳар, туманларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бошлиқлари, банк тизимининг мутасаддилари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими М. Икромов очди ва бошқариб борди.

Йиғилишда пахта йиғим-терими билан боғлиқ жойлардаги ҳозирги аҳвол атрофлича муҳокама этилиб, таҳлил қилинди. Вилоят ҳокими шу кунги вазиятга аниқ баҳо бериш ва қўйилаётган масалага ойдинлик киритиш учун республика ва вилоят статистика маҳкамаларининг пахта йиғим-теримининг бориши ҳақидаги энг сўнгги маълумотларини йиғилиш қатнашчилари эътиборига ҳавола этар экан, бу йил ўтган йилги хатоларга, нобудгарчиликларга йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади.

Қўл теримида, — деди вилоят ҳокими, — ялпи сафарбарлик ва уюшқоқликка эриша олмаяпмиз. Шу боис суръат секинлик билан кўтарилмоқда. Кўпгина туманларда қўл терими пухта ташкил этилмаяпти.

Хусусан йиғилишда Оққўрғон тумани ҳокими Н. Бердиқулов, Бўка тумани ҳокими Б. Махситов, Юқоричирчиқ тумани ҳокими М. Қалқуловнинг ахборотлари тингланди. Ушбу туманларда, айниқса, Оққўрғонда йиғим-терим суръатини кўтариш, одамларни теримга тўла сафарбар этиш юзасидан етарли иш қилинмаётганлиги ва шунинг учун шошилинч чора-тадбирлар кўриш зарурлиги айтилди.

— Ҳозир 50—60 фоиз майдондаги пахта яхши очилган, — деди вилоят ҳокими М. Икромов. — Яна нимани кутишимиз керак? Ҳозирданоқ мавжуд ҳар бир имкониятдан иложи борича оқилона фойдаланиш лозим. Фақат машиналарга ишонмасдан, қўл теримини ҳам кучайтириш керак. Аввало, жойларда барча ишчи кучларини яна бир бор ўрганиб чиқишимиз, уларни аниқ рўйхатга олиб ишга солишимиз лозим.

Йиғилишда Бекобод ва Қуйичирчиқ туманлари ички ишлар бўлимларининг бошлиқлари О. Алимбетов ва Ш. Файзиевларнинг ушбу туманларда аҳолини теримга жалб этиш бўйича вилоят ҳокими томонидан берилган топшириқни амалга ошириш борасида қилаётган ишлари юзасидан ахборотлари тингланди. Уларга жойларда етарли иш қилинмаётганлиги айтилди. Умуман бу борада прокуратура, ички ишлар бўлимларининг фаолиятини жонлантириш кераклиги таъкидланди.

Бу йил вилоятимиз пахтакорларига кўплаб ҳашарчилар ёрдамга чиқадилар. Шундай экан, уларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, ҳашарчилар меҳнатидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш зарур. Ҳар бир ишда қатъий интизом бўлиши керак. Ана шу масала юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари П. Хатамов. Ангрен шаҳар ҳокими Т. Анорбоев, Янгиобод шаҳар ҳокими Р. Нодиров, Бекобод шаҳар ҳокими Ж. Насриддиновлар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини, режаларини баён этдилар.

Йиғилишда бугунги кунда барча туман ва хўжаликларда йиғим-теримни жадаллаштириш билан боғлиқ асосий масалалар юзасидан зарур топшириқлар берилди. Биринчидан, юқорида таъкидланганидек жойларда қўл теримига эътиборни кучайтириш, бу ишга аҳолини тўла жалб этиш, ички ишчи кучларидан тўла қувват билан фойдаланиш зарур. Иккинчидан, теримчиларни моддий рағбатлантириш, терилган пахтага ўз вақтида ҳақ тўланиши керак. Бу ишни ҳар беш кунда амалга ошириш мақбул эканлиги таъкидланди. Учинчидан, терим машиналарини мавсумга пухта созлаш, механизаторлар масъулиятини ошириш керак. Ана шундагина ғанимат кунлардан фойдаланиб, олдимизда турган режа ва топшириқларни тезроқ бажарамиз.

Йиғилишда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

# ТЕРИМГА МУНОСАБАТНИ ЎЗГАРТИРИШ КЕРАК

### "ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" ва "ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА" газеталарининг текширув гуруҳи Оққўрғон туманида бўлиб қайтди

***... ҲА, БУ ЙИЛГИ** пахта териш мавсуми ўзига хос. Етиштирилган мўл ҳосилни тез ва соз териб олиш тўғрисида анчадан бери гап бормоқда. Неча бор йиғилишлар чақирилди, йиғим-теримни уюшқоқлик ва юксак савияда ўтказиш юзасидан йўл-йўриқлар берилди, тадбирлар ишлаб чиқилди. Хўш, ҳозир пахтазорда, бевосита далада аҳвол қандай? Йўл-йўриқлар амалга ошириляптими, белгиланган тадбирлар ишлаяптими? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Оққўрғон туманига сафар уюштирилди.*

Туманда, хўжаликларда, бригадаларда бўлганимизда чиндан ҳам бу йил "оқ олтин"дан яхши ҳосил етиштирилганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Лекин, уни тезда териб олиш масалалари билан қизиққанимизда бироз кўнгиллар хиралашди. Туман раҳбарлари, хўжалик бошлиқлари, мутахассислар ҳамон ниманидир кутиб тургандек, эрта-индин "мўъжиза" юз берадигандек, туюлди бизга... Оппоқ бўлиб очилган далалар билан ёнма-ён ўсишда орқада қолган пахталар, сершох туплар қаторида "қисир" қолган навдалар, пахта ишқида ёнган ғайратли одамлар орасида лоқайд кишилар, маромига етказиб таъмирланган пахта териш агрегатлари тизимида "ичак-чавоғи" ағдариб ташланган машиналар... Яхши ишлар саҳнида камчиликлар, нуқсонлар бўртиб турипти.

Бободеҳқон ҳамиша-ҳамрўз ўзи етиштирган ҳосилини эъзозлаб келган. Унинг ҳар бир заррасини, мисқолини азиз тутади, кўзига суртади. Биз суҳбатда бўлганимизда қатор пахтакорлар йиғим-терим мавсумининг суст бораётганлигидан, одамларни тўлиқ сафарбар этиб бўлмаётганлигидан, техникага ишониб, вақт бой берилаётганлигидан нолиб гапирдилар.

— Қатор хўжаликларимизда, саноат ва қурилиш ташкилотларда одамларимиз аввало маошларини ўз вақтида ола олмадилар, — деди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р. Ҳакимжонов. — Шу боис ёрдамчиларни далага жалб қилиш ишлари жуда қийин кечяпти...

Ҳамон ўша эски баҳоналар. Лекин, биз уддабурон кишилар раҳбарлик қилаётган хўжаликларда бўлганимизда бунинг аксини кўрдик. У ерларда одамларни теримга даъват этишда янгича рағбатлантириш усуллари қўлланилган. Қарабсизки, кишилар далага чақириқсиз ўзлари отланмоқдалар.

"Султонобод" жамоа хўжалигида бўлганимизда қийғос очилган далаларни кўриб, пахта териш ва топширишда бу хўжалик анча илгарилаб кетган бўлса керак, деб ўйладик. Афсуски, ундай бўлиб чиқмади. 15 сентябргача бўлган маълумотга қараганда, султонободликлар эндигина 2,33 фоиз пахта тайёрлашибди. Бундай сусткашликнинг сабаби нимада? Ахир улар аввалги икки йиллик қарзларини ҳам узишга, бу йилги режани ҳам ортиғи билан бажаришга аҳд қилган эдилар-ку.

Боиси аниқ бўлди. Хўжаликда сафарбарлик кўнгилдагидек эмас. Ваҳоланки, етарли имконият бор. Агарда қишлоқда 3450 аҳоли яшашлигини, шундан 800 киши меҳнатга яроқли эканлигини, бевосита хўжаликка аъзо бўлган деҳқончиликка даҳлдор одамлар 460 кишини ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, ташкилотчилик ишларини яхши йўлга қўйиб, олдиндан тузилган пухта режалар асосида одамларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш тадбирлари кўрилганда эди, терим суръати кучайиб кетган бўларди. Мутасаддиларнинг айтишларига қараганда, айни кунларда далада бор-йўғи 430 одам пахта термоқда. Лекин, натижани кўриб бунга ишонгинг келмайди. Жами терилган пахта рўйхатдаги одамларга тақсимланадиган бўлса, аранг 20—22 килограммга тўғри келади. Ваҳоланки, ҳар куни 80—100 килограмм ва ундан ошириб пахта тераётганлар бор-ку. Бундан кўриниб турибдики, рўйхатдагиларнинг ҳаммаси ҳам дала ишларида қатнашмаяпти. Унумдорлик ниҳоятда паст.

Мавсумнинг муваффақияти, терим ишларининг самарадорлиги пухта кўрилган ва ишлаб чиқилган тадбирлар, уларнинг қай тартибда, ким томонидан бажарилиши аниқ белгиланган дастурга боғлиқ. Бундай тадбир бор, деб айтишди, ишлаб чиққанмиз, масъуллар белгиланган. Ана шу тадбирга кўра қўл кучи билан айни терим қизиган пайтларда 1—1,5 фоиз, машиналар билан эса 4—5 фоиз пахта теришимиз ва режани узоғи билан 20 октябргача бажаришимиз керак, дейишди.

Лекин биз бу тадбир қанчалик пухта ишлаб чиқилган, асослими-йўқми, билолмадик. Чунки, у ҳеч кимда йўқ эди. Мухтор Алишевнинг папкасида бўлса керагов, дейишди. У эса сейфдайди, калитини йўқотиб қўйдим, деб айтди. Эҳтимол, унинг гапи тўғридир. Лекин шу нарса бизга аён бўлдики, бу хўжаликда йиғим-теримни ташкил этишга муносабат эскича.

Раис Неъмат Рустамов билан сўзлашганимизда у йиғим-теримни иложи борича жадаллаштириш учун кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапирди. Ҳосилни қанча барвақт йиғиштириб олсак, ўзимизга яхши. Лекин, баъзида "пулдан" қисилиб қоляпмиз-да. Лоақал ўтган йилги пилламизга тегишли 250 минг сўм пулни олиб тақсимлаганимизда эди...

Лекин биз қараб турганимиз йўқ. Одамларга ойликни маҳсулот тариқасида бераяпмиз. Ун, гуруч, ёғ ва бошқа нарсалар билан таъминлаб турибмиз. Биз шу куни хўжаликнинг 1-бригадаси пахтазорларида теримчилар анча гавжумлашиб қолганлигининг гувоҳи бўлдик. Улар орасида район матлубот жамиятидан келган ёрдамчилар, колхозга меҳнати сингган ва айни қийин дамларда ёрдамга отланган кекса онахонлар ҳам бор эди. Ана шулардан бири Саҳобат Бурхонова билан суҳбатлашдик.

— Мен беш кунлик терган ҳақимга бугун 100 сўм пул олдим,— деди у. — Одам меҳнат қилгандан сўнг шунга яраша рағбат кўрсатилса, ишга ихлоси ортаверади. Мана бизнинг оиламизда анча жон бор. Бугун уйга борсам, албатта, уларни ҳам даъват этаман. Ахир оиламизда 4 киши далага чиқиб, бир кунда 400 килограмм, 10 кунда 4 минг килограмм пахта терсак камида 1600 сўм пул оламиз. Бу бирор кор-хайримизга ярайди, албатта. Бизга ўхшаган оилалар хўжаликда озмунчами?!

Саҳобат ҳақ гапни айтди. Ахир ҳукуматимиз қарори билан фақат теримда қатнашаётганларга тўлаш учун катта миқдорда пул ажратилди-ку. Нега бу пулни ундириб теримчиларга ўз вақтида етказиб бериш, ишни ҳар жиҳатдан жадаллаштириш мумкин эмас. Афсуски, кўп жойларда ҳокимликдаги мутасаддилар бунга яхши аҳамият беришмаяпти.

Биз хўжаликдаги фахрийлар, кўпни кўрган тажрибакор деҳқонлар, тумандаги ташкилотларнинг аъзолари, умуман қишлоқ аҳллари вакиллари билан суҳбатлашдик. Уларнинг фикри шундай: модомики пахта теримига катта миқдорда пул ажратилган экан, шу пулни вақтида ундириб теримчиларнинг терган пахтасига, иложи бўлса ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиб бериб туриш керак. Одамнинг руҳияти шундайки, у қўлига пул теккандан кейин кайфияти кўтарилади. Сиз айтсангиз-айтмасангиз унинг ўзи далага чиқиб, пахта терсам, пул олсам дейди...

Тумандаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалигининг узоқ йиллардан буён илғорлар қаторида келаётганлиги, албатта, яхши. Бу йил ҳам улар 700 гектар майдондан 1960 тонна пахта беришни мўлжал қилмоқдалар.

Аммо, уларнинг шу кунлардаги ишларига бир назар ташлайлик. Нега бу хўжалик пахта тайёрлашда охирги ўринларда бормоқда? Нима гап ўзи? Суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, хўжалик раҳбарлари техникага ишониб, одамларни теримга кўплаб жалб этмаётирлар. Айни кунларда бор-йўғи 200 нафар киши далада ишламоқда. Нима?! Хўжаликда қўл терими тақдирини ана шу 200 киши ҳал этадими? Одамлар теримга чиқишни хоҳламайдими? Тушуниб бўлмади... Ваҳоланки, бу хўжалик ҳудудида 4 та қишлоқ мавжуд бўлиб, у ерда истиқомат қилаётган яна 250-300 кишини бемалол теримга жалб қилса бўлади. Далада қўлда пахта тераётган кишилар сонининг ўта озлиги туфайли хўжаликда терим суръати паст бўлиб қолмоқда, ўсишдан эса дарак йўқ.





*• "ГУЛИСТОН" жамоа хўжалиги бош муҳандиси С. Аҳмедов бизга 1-бригада дала шийпонига келтириб қўйилган терим машинасини кўрсатди. Унинг айтишича бу машина-таъмирдан чиқарилган, мавсумга шай. Бироқ, диққат билан кўздан кечирсангиз, машинанинг шпиндели агрегат ёнида сочилиб ётганини кўрасиз. Уни олиб жойига қўйиш ҳеч кимнинг эсига келмаяпти. Қани, инсоф билан айтинг-чи, қандай қилиб механик-ҳайдовчи Й. Носировга тегишли бу машинани теримга тайёр турипти, деб айтиш мумкин?!*

*• Шу жамоа хўжалигига қарашли мана бу кўрак териш агрегатлари тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилибди. Лекин машина ғилдираклари, симтўрларига бир қаранг-а. Унинг қай аҳволдалигини шундан ҳам билиб олса бўлади.*

Бу йил хўжаликда ҳосилнинг 80 фоизи машиналар билан териб олинади, дейишди. Хўп, шундай дейлик. Лекин машина теримини кутиб фурсатни бой бермаяпмизми? Нима учун қўл теримига зўр бермаслик, қишлоқ аҳолисини теримга ялпи сафарбар этмаслик керак?!

Тумандаги "Оққўрғон", С. Сегизбоев номли, "Қаҳрамон", "Гулистон", "Озод", Охунбобоев номли хўжаликларда ҳам ана шундай кайфиятга дуч келдик.

Устига-устак тумандаги саноат ва қурилиш ташкилотларидан, бошқа муассасалардан одамларни теримга жалб этиш ишлари ҳам ўлда-жўлда. Жумладан, 7-кўчма механизациялашган жамлама ходимларидан атиги 21 киши теримда иштирок этмоқда. Туман матлубот жамиятлари уюшмасининг 700 ходимидан бор-йўғи 29 киши далага чиқибди. Туман маданият бўлими эса бор-йўғи 39 киши ажратибди.

... "Маданият" жамоа хўжалиги ҳудудида 5 минг нафарга яқин киши яшайди. Уларнинг 800 таси жамоа хўжалиги аъзоси.

— Улардан нечтаси ҳозирги кунда теримда қатнашмоқда?— сўраймиз хўжалик бошқаруви раиси ўринбосари А. Нодировдан.

— Тўрт юз элликтаси...

— Кеча нечта киши ишлаган эди?

— ...

Одамлар иштироки тўғрисидаги маълумотномага қараймиз. "293" рақамига кўзимиз тушади.

Тўғри хўжалик бошқаруви одамларни моддий рағбатлантиришнинг манфаатли йўлини топишибди. Биринчи — ҳали пул берилмаётган кезларда улар ҳисоб-китобни тайёр маҳсулотлар билан қилишибди. Қайси оилага нима керак? Картошка, пиёзми? Сабзи ёки ёғми? Марҳамат, қарабсизки, одамлар далага отлана бошлаган. Демак, излаган имконият топади.

Мана, терим ҳақидаги республика бўйича кундалик маълумотнома. Уни таҳлил қиламиз. Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари кун сайин илдамлашяпти. Сабаби маълум. Уларда пахта очилган кундан бошлабоқ қўл теримига катта эътибор беріляпти. Теримчилар рағбатлантириляпти. Шунинг учун фоиз кўтариляпти. Биз эса судралаяпмиз. Бунинг боиси шундаки, узоқ йиллар давомида машиналарга қаттиқ суяниб қолдик. Фоиз кўтарилмаса ҳам хотиржам юрардик: ҳечқиси йўқ, эрта-индин машиналар ишга тушади, ана шунда ҳаммани қувиб ўтамиз, дер эдик.

Лекин, вақт ўтади, вазиятлар ўзгаради. Эндиликда бир нарсани унутмаслигимиз керак. Илгариги маҳалда машиналар янги бўларди, таъмирлаш учун ҳамма қисмлар топиларди, таъминот яхши эди. Ҳозир-чи? Тавсифлашнинг ҳожати йўқ. У ҳаммага маълум. Тўғри, ўзимиз елиб-югураяпмиз, эҳтиёт қисмлар топяпмиз, агрегатларни ямаб-ясқаяпмиз... Машиналар теримга тайёр деб айтаяпмиз. Лекин, бу машиналарнинг айримлари ишга тушгач, ёлчитиб ишламаслиги ҳаммага маълум. Бир кун ярим кун ишлар-ишламас, бузилади. Буни ҳаёт исботлаяпти.

Хулоса шуки, бугунги вазиятда, очиғини айтиш керак, машиналарга ишониб, терим тақдирини ҳал қиламиз, деб айта олмаймиз. Бор имкониятдан, бор машиналардан иложи борича фойдаланишга ҳаракат қилиш керагу, лекин, қўл теримига эътиборни кучайтириш, далада ишлаётганларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш учун барча чора-тадбирларни кўриш керак.

Туманда, нафсаламбирини айтганда, теримга даҳлдор бошқа ишлар ҳам маромида эмас. Айрим жойларда ҳали дефолиация охирига етказилмаган. Чунки, дори пуркагич агрегатлари, юқорида айтганимиздек, гоҳ яхши, гоҳ ёмон ишлаяпти.

Пахта териш машиналари тайёрлиги қандай? Туман бўйича 349 машинадан ҳозир 300 таси тайёр. Бу ишга даҳлдор мутасаддиларнинг айтишича, 300 та машина етарлимиш... Улар 15 минг гектар ердаги пахтани тезда териб олар эмиш... Балким шундайдир. Лекин, ҳозир сентябрь ойининг ўртаси эканлигини, ғанимат дамларнинг тобора қисқариб боришини назарда тутганимизда, юқоридаги ишончлар гумонлироқ туюлади. Чунки, айтилган сўз билан натижалар бир-бирига тўғри келмаяпти. Жумладан, 78 та кўрак териш агрегатларидан атиги 43 таси, 55 та кўрак чувиш машиналаридан эндигина 37 таси таъмирланганлигини қандай баҳолаш мумкин?!

Туман зиммасида пахтадан бошқа ишлар ҳам бор. Сабзавот маҳсулотларини тўлиқ йиғиштириб олиш, ҳадемай ҳосилдан бўшаган ерларни ҳайдаш ва ҳоказо. Помидорнинг эндигина 60 фоизи, пиёзнинг 10 фоизи, карамнинг 36 фоизи йиғиштириб олинганлигини назарда тутсак, бу соҳадаги ишлар ҳам таскин бермайди. Чорва озуқаси жамғариш-чи? 22 минг тонна дағал озуқа ўрнига эндигииа 15 минг тонна жамғарилибди. Силос бостириш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас...





*• "Маданият" жамоа хўжалигининг С. Ёндошев раҳбарлик қилаётган 6-бригада дала шийпони ночор аҳволда. Дераза ойналари синиб ётипти, хоналарни чанг, ис босган. Ошхонага бу яқин ўртада одам кирмаган.*

*Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигининг тармоқлари кўп. Ҳаммаси ҳам зарур. Лекин, айни кунлардаги долзарб, кетга суриб бўлмайдиган асосий вазифа — пахта ҳосилини тез ва нес-нобуд қилмай териб олиш ва давлатга топширишдир.*

*Ҳа, муваффақиятни ҳамма ерда одамлар таъминлайди. Шунинг учун уларга унумли меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Бу аснода дала шийпонлари хусусида тўхталишга тўғри келади. Тумандаги хўжаликларда мавжуд бўлган дала шийпонлари, очиғини айтганда, ҳозирги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Уларнинг кўпчилиги ҳамон яроқсиз ҳолда ётипти. Ахир далага — пахта теримига чиққан одамлар бу ерларда тамадди қилишлари, дам олишлари, суҳбат қуришлари лозим-ку.*

*Яна бир очиқ гап. Ҳаммамизнинг топширилган вазифаларни, айтилган гапларни бажаришга ўрганадиган вақтимиз етиб келди. Бу тушунчалар оддий бригадирдан тортиб, туман миқёсидаги раҳбарларгача тегишли бўлмоғи керак. Намунали тартиб-интизом ҳаммамизнинг кундалик иш маромимизга айланмоғи лозим.*

*Ҳар бир ишда пировард натижа иқтисодий омилларга бориб тақалади. Далада ишлаётганлар учун иқтисодий омил — бу кундалик ишлаб топган ҳақи ҳисобланади. Шу боис банк тизими ходимлари дала меҳнаткашларига тўланадиган пулларни ўз вақтида етказиб берилиши учун саъи-ҳаракатларини аямасликлари керак бўлади. Бели бақувват одам далада ўзгача ғайрат билан меҳнат қилади. Бу турган гап.*

*Юқорида айтилган фикрларга амал қиладиган бўлсак, айни кунларда, энг аввало, қўл теримига зўр берсак, одамларни йиғим-теримга кўплаб сафарбар этсак, суръат кундан-кунга ошади, пахта хирмонимиз тобора юксалаверади. Раҳбарлар, мутасаддилар, мутахассислар дала меҳнаткашлари билан биргаликда бир жон бир тан бўлиб, улар қалбига йўл топиб, ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда меҳнат қилсалар, режалар, албатта, бажарилади, деб ўйлаймиз.*

**"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" ва "ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА" ГАЗЕТАЛАРИ ТЕКШИРУВ ГУРУҲИ**



• СУРАТДА: Анвар Эгамназаров турмуш ўртоғи Тожихон ая билан.

# ДЕҲҚОН ЎҒЛИНИНГ ДОВРУҒИ

*Таниқли деҳқон, оддий аравакашликдан Меҳнат Қаҳрамонигача бўлган йўлни босиб ўтган Анвар ЭГАМНАЗАРОВ ҳаёт бўлганида 70 ёшга тўлар эди.*

• ХОТИРА

ДЕҲҚОН ўғли эмасми, Анваржон жуда ёшликдан далага меҳр қўйди. У ҳали ўқиб юрган кезларидаёқ мактабдан бўш вақтларида уйидаги томорқа ерида, қолаверса, далага чиқиб, мола бостириш, барона қилиш ишларида от етаклаб катталарга қарашиб юрар эди. У 7-синфни тугаллаганда фашизмга қарши уруш бошланди. Катталарнинг ҳаммаси фронтга отланди. Далада аёллару қариялар, ёш-яланглар қолганди. Тирикчилик ўтказиш анча оғир бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Анваржон ота-онасига қарашишга аҳд қилди. Бир куни мактабдан тўғри колхоз идорасига кириб келди. Боғ бригадири Абдуназар ака шу ерда экан. Саломлашгач, унга дардини айтди. "Ишламоқчиман",— деди.

— Яхши ўйлабсан, болам,— деди Абдуназар ака.— Бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Ўқишинг ҳам қочмас. Агар хоҳласанг, ҳозирча, арава ҳайдаб турсанг.

— Майли,— деб мойиллик билдирди Анвар.

Ўша куни Абдуназар ака Анваржонни саройга бошлаб олиб борди. "Мана шу қўш отли арава сенга",— деди. Шундай қилиб Анвар жуда ёшлигидан аравакаш бўлиб қолди.

Бу орада "Қизил Ўзбекистон" жамоа хўжалигига арава ясаш устаси Абдужамил ака Матқобулов раис бўлиб сайланди. У орқаваротдан Анваржон ҳақида яхши гапларни эшитиб юрар эди. Уни ўз тарбиясига олишга аҳд қилди. Бир куни Анвар аравага от қўшиб турганида раис Абдужамил аканинг ўзи уни йўқлаб келди. Анвар унга салом берди. Саломга мулойимлик билан алик олган раис Анваржоннинг елкасига қўлини қўйиб деди:

— Ука биз маслаҳатлашиб сени Нурматвойнинг бригадасига ҳисобчи қилиб тайинладик.

Анваржон дабдурустдан нима дейишини билмай қолди. Қандай бўларкин, дегандак Абдужамил акага савол назари билан тикилди.

—Бемалол эплаб кетасан, ука,-деди Андужамил ака. — Бориб ишни қабул қилиб олавер.

Бошқа гапга ўрин қолмаган эди.

—Хўп, раис бува, -деди Анваржон,- ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан. Шундай қилиб Анвар Эгамназаров - уста деҳқон Нурмат ака Эрматов бригадасида ишлай бошлади. Устоз унга деҳқончилик сирларини эринмай ўргатди. Бир йил ўтгач, Анваржон Нурмат ака пахтачилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинлангач, Анваржонни ўзининг ўрнига бригадир қилиб қолдирди.

Бироқ ёш йигитчанинг биргадир бўлганлиги бировга ёқса, баъзиларга ёқмаган эди. Буни пайқаган Анваржон турли ҳаёлларга борди. Аммо онаси Саломат хола насиҳат қилиб: беш қўл баровар эмас, болам, дедилар, оғзига кучи етмаганлар нима деса, деяверсин, лекин, кўпчилик сени яхши билади. Сени қўллаб-қувватлайди. Бунга ишонаман... Онанинг юракдан берган панд-насиҳатлари Анваржонга далда бўлди. Нурмат ака ҳам Анваржонни яхши гаплар айтиб руҳлантирди.

— Сен йигит кишисан, ўзингни қўлга ол, болам. Эртадан ишга астойдил кириш. Анави карта етилиб тайёр бўлиб турибди. Экишни бошлаш керак. У ёғини яна маслаҳат қиламиз.

Анваржон илк саҳарда уйқудан туриб, дала томон йўл олди. Нурмат ака айтган пайкалга бориб бир сиқим тупроқни ховучига олиб уқалаб кўрди. Ернинг нами кўнгилдагидек эканлигига мурод ҳосил қилди. Хуллас шу йили бодрингдан тортиб, картошкагача, помидордан тортиб, карамгача ҳосил чунонам бўлиб бердики... Аммо бу ҳосилни бўлдиргунча ёш бригадир бўлганича бўлди. Куз тўкин келди. Жамоада сабзавотдан энг юқори ҳосил олинди.

Анвар Эгамназаровнинг довруғи бутун туманга, қолаверса, вилоятга тарқалди. У икки йил сабзавотчилик бригадасига бошчилик қилгач, учинчи йили уни колхоз кадрлар тайёрлаш мактабига ўқишга юборишди. Ўқишни муваффақиятли битириб қайтгач, жамоа хўжалиги ҳосилот кенгашига раислик қила бошлади. Бу вазифада Анвар бир йилча сидқидилдан ишлади. Унга дала меҳри, бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланиш тинчлик бермасди. Шунинг учун агар иложи бўлса, мени пахтачилик бригадасига ишга ўтқазсанглар, деб ариза берди. Унинг илтимосини қондиришди. Шундай қилиб у 23 ёшида пахта бригадири бўлди.

Анваржонларнинг бригадаси ҳар бир тадбирни амалга оширишда бошқаларга ўрнак бўла бошлади. Миришкор деҳқонлар Абдулла ака, Тоштой акалар Анваржонга жўяли маслаҳатлар бериб, ўзлари ҳам жонбозлик кўрсатиб, мўл-ҳосил етиштиришга мустаҳкам замин яратилишига кўмаклашдилар. Шу йили бригадада гектаридан 34 центнердан пахта ҳосили йиғиб олинди.

Пахтачилик бригадасининг ютуқлари йил сайин салмоқли ва залворли бўла бошлади. 1954 йилда Анвар Эгамназаров бригадаси 63 гектар ерда пахта етиштирди. Бригада бошлиғининг ташкилотчилиги, тажрибаси кўпчиликка намуна қилиб кўрсатилаётган эди. Жамоада ҳар йили ҳосилдорлик ортиб борди. 1957 йили у Меҳнат қаҳрамони фахрий унвонига сазовар бўлди. Ўшанда у 32 ёшга тўлган эди.

Сўнгги йилларда у жамоа хўжалигининг бош агрономи марҳум Алпаренкодан ўрганган сабоқлари туфайли миришкор деҳқон бўлиб довруғ таратди. Жамоа хўжалигида бош агроном бўлиб ҳам ишлади. Хўжаликка 30 йилдан ортиқ вақт етакчилик қилган ажойиб инсон, Меҳнат қаҳрамони Абдужамил ака Матқобулов вафотидан сўнг эса, 6 йилдан кўпроқ вақт колхоз правлениесига раислик қилди. У ўз меҳнат фаолияти давомида туман ноиби, республика Олий Кенгаши ноиби сифатида ҳам катта жамоатчилик ишларини олиб борди.

1973 йилдан бошлаб эса, Анвар Эгамназаров ўз талаби билан яна ўзи ишлаган 3-бригадага қайтди. Бригадир сифатида астойдил фаолият кўрсата бошлади. Ҳар йили режаларини ошиғи билан бажариб, жамоанинг ҳурмат ва эътиборини қозониб келган инсоннинг ҳаётида 1964 йили яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Унинг вафодор, севимли ҳаёт йўлдоши Тожихон ая 10 фарзанднинг онаси бўлганлиги учун унга "Қаҳрамон она" фахрий унвони берилди. Шундай қилиб ўша 10 фарзанд шарофати билан Эгамназаровлар оиласида икки қаҳрамон, бири Меҳнат қаҳрамони Анвар ака бўлса, иккинчиси — Қаҳрамон она Тожихон ая эди. 10-чи фарзанд Ойбекжон ота удумини олди. У 1985 йилдан бошлаб отаси ёнида ҳисобчи бўлиб ишлади. 1991 йилдан бошлаб эса, бригадирлик қилиб келмоқда.

Тожихон ая ва Анвар акалар ардоғида тарбияланиб, вояга етган 7 ўғил, 6 қизнинг ҳаммаси жамиятимиз учун муносиб инсонлар бўлиб фаолият кўрсатмоқдалар.

...Яхшиларнинг номи ҳеч вақт ўчмайди. Улар ўзларининг меҳнатлари билан ўзларига ҳайкал ўрнатадилар, деб шуни айтадилар-да. Агарда Анвар ака оғир ҳасталик туфайли вафот этмаганида эди, ҳозирги кунда 70 ёшга тўлган бўлур эдилар.

Худо раҳмат қилган бўлсин, ул азиз инсонни!..

**Ҳаким НИШОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ артисти,**
**Дўрмон маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

# ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

• *"Ёмонлик ўтини ёмонлик ўчиради", деган одамлар бекор айтибдилар. Икки ўт ёқиб кўринг, улар бир-бирини сўндирадиларми? Ёмонлик ўтини фақат яхшилик ўчиради.*

**Луқмони ҳаким.**

• *Ёмонлик оғудир, бу оғуни ема, оғу еган киши тирикликдан баҳраманд бўлмайди. Ёмон бўлма, номингни ёмонлик билан чиқарма.*

**Юсуф Хос Ҳожиб.**

• *Такаббурлик ва зулм — улуғликнинг офати, мулойимлик ва тавозе — инсоннинг зийнати, шарм, хаё унинг энг гўзал, ёқимли либосидир.*

**Суқрот.**

• *Одамларнинг ўзингга қандай муомала қилишларини истасанг, уларга шундай муомала қил.*

**Арасту.**

• *Ёлғон сўзлаш, эзмалик ва чақимчилик кишининг обрўсини йўқотади.*

**Шайх Жунайд.**

• *Ўз-ўзини мақташ, чин бўлса ҳам, маъқул ва мақбул эмасдир. Ўтганлар билан онт ичиш ёлғон-яшиқлик нишонасидир.*

**Пифагор.**

• *Ҳиммат ҳамма нарсадан юқори туради. Адл биноси ҳеч вақт вайрон бўлмайди.*

**Суқрот.**

• *Ҳасад ҳиммат пастлиги ва кўнгил ҳасислигидан ҳосил бўлади. Ҳасадчи ўз ҳасади таъсиридан бир кун ҳалокат чуқурига йиқилади.*

**Хусайн воиз Кошифий.**

• *Агар бахт-саодат истасанг, ғурур, манманликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик билан тингла, адоват, гиначиликдан ҳазар қил.*

**Жалолиддин Румий.**

**Тўпловчи Х. КАМОЛИДДИНОВ.**

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

## Душанба, 19

### ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Бонг". Спорт кўрсатуви.
18.45 "Хазинамиз таянчи".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Осойишталик посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
20.10 "Жаҳон мусиқаси дурдоналари". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат Йўлдошев.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Шароф Бошбеков. "Тақдир эшиги". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.30—23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

### ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

**"Тошкент" студияси таништиради:**
"Душанба" адабий-бадиий видеоканали:

19.50 "Полапон".
20.10 "Мушоҳада".
20.35 "Фалакнинг гардиши".
21.00 "Қалбга санчиб шеъриятнинг пичоғини..."
21.25 "Студиямиз меҳмони".
21.50 "Шунчаки саргузашт".
22.15 "Ҳафтанома".
22.45—23.50 "Тўтиқушли хоним". Бадиий фильм.

### ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мультикарусель".
*
19.40 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*
**"ОМАД" таништиради:**
20.40 "Совға".
21.10 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.30 "Суперспорт".
22.00 Эълонлар.
22.10 Видео — "О".
23.50 Эълонлар.
24.00 — 00.10 "Курьер".

### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Эркак ва аёл".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Спорт уик-энди".
20.45 "Трагиклар ва комедиантлар". А. П. Чехов номидаги Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. Муаллиф — В. Арро.

## Сешанба, 20

### ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Санников ери". Бадиий фильм.
10.00 "Томоша". Фильм-концерт.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Немис тили.
11.20 "Тошкент жилолари". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 Ёшлар куйлаганда.
12.30—13.00 Янги алифбони ўрганамиз.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида".
18.35 "Ёшлик" студияси. "Адолат". Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Тошкент бўйлаб мусиқий саёҳат".
21.55 Телевизион театр почтаси. "Сўнгги ўқ" видеофильми ҳақида.
23.15—23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

### ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

**"ОМАД" таништиради:**
19.50 "Мультфейерверк".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
21.00 "Видеогид".
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".

### ЎзТВ III

18.00 —19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мультикарусель".
*
**"Тошкент" студияси таништиради:**
19.40 "Эсдалик учун дастхат".
20.10 "Менинг кўчам".
20.25 "Ҳар соҳадан бир шингил".
20.45 "Антенна".
21.25 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.
22.35 — 22.45 "Хотима".

### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Мавзу".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Илк манбадан".
20.40 "Гол".
21.10 1994 йил қўшиқлари.
21.55 — 23.45 Ғалабанинг 50 йиллигига. "Тирикларни чорлайман...". Бадиий фильм "Ягона йўл" ("Мосфильм", Югославия, 1974 й.).

## Чоршанба, 21

### ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Катта бўлишни хоҳламайман". Бадиий фильм.
9.55 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 Алифбо сабоқлари.
11.45 Лирик концерт.
12.15 — 14.15 "Нурли келажак". Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун "Фарзанд — умид юлдузи".
18.50 "Ҳуқуқий жамият сари".
19.20 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.10 "Тилга эътибор".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси олдидан.
22.10 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
23.10—23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

### ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

**"Тошкент" студияси таништиради:**
19.50 "Қардошлик оиласида".
20.25 Хор куйларидан концерт.
20.55 Зариповлар сулоласи цирк майдонида.
21.35 "Ўзбекистон спорти" (рус тилида).
22.05—23.40 "Беором кун". Бадиий фильм.

### ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мультикарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
20.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*
### "ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

21.30 "Дидар" (қозоқ тилида).
22.10 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
22.25 "Мусиқий саёҳат".
22.55 "Уммондан томчи".
23.25 АҚШда кичик бизнес.
23.55 — 00.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).

### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роз ". Телесериал.
18.55 В. Висоцкий хотирасига бағишланган кеча.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Монолог".
20.40 — 23.10 Э. Рязановнинг "Каромат" бадиий фильми премьераси.

## Пайшанба, 22

### ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Қалъа жавоб берди". Бадиий фильм.
10.00 Шифокор экрани.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 Инглиз тили.
11.45 — 14.15 "Гул бир ён, чаман бир ён". Мусиқий видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Ором".
18.40 Дутор ва танбур тароналари.
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Илҳом" телевизион клуби.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида.
23.30 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

### ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

**"ОМАД" таништиради:**
19.50 "Омад" тақвими.
19.55 "Жозиба".
20.20 "Бир шингил ҳангома".
20.30 "Муҳаббатга ошно қалблар".
20.50 Видео янгиликлари.
21.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
22.00—24.00 "Кинонигоҳ".

### ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мультикарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
**"Тошкент" студияси таништиради:**
20.30 "Бутун олам — театр".
21.00 "Дискотека". Нон-стоп.
22.00 "Бош мухбиримиздан..."
22.20 "Дискотека". Нон-стоп.
23.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Навбаҳор" — "Политотдел". 2-тайм.
00.10 — 00.20 "Хотима".

### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Киноюлдуз". Ален Делон. Кўрсатувни С. Жигунов олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.55 — 22.45 Ален Делон "Кристина" бадиий фильмида (Франция, 1958 й.).

## Жума, 23

### ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак". Бадиий фильм.
9.50 "Ёшлик" студияси. "Сирли остона".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Тарих.
11.00 "Кўнгил кўзгуси". Адабий кўрсатув.
12.00 Немис тили.
12.20 "Қалбим гавҳарисан, муҳаббат". Мусиқий кўрсатув.
12.55 — 13.25 "Ғурур".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим".
18.45 "Шеърий дақиқалар". Ҳусниддин Шарипов.
18.55 "Ислоҳот мевалари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Телеоператор нигоҳи билан..."
20.10 Илҳом Иброҳимов куйлайди.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида.
23.30 "Юртимиз зиёси". Республика энергетикасининг 60 йиллигига бағишланган кўрсатув ва концерт.
00.30 —00.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

### ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

**"Тошкент" студияси таништиради:**
19.50 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
20.30 "Билиб қўйган яхши".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "02" тўлқинида.
21.50 "Деҳқон ҳиммати".
22.20 "Экология ва ҳаёт".
22.50 — 00.10 "Табор кўкка йўл олади". Бадиий фильм.

### ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мультикарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
**"ОМАД" таништиради:**
20.30 "Рок ҳақида".
21.00 "Суперспорт".
21.30 "Даракчи".
21.40 "Юлдуз".
22.10 Эълонлар.
22.20 — 24.00 Видео — "О".

### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
18.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Мўъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 А. И. Солженицин билан учрашув.
20.50 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 3-серия.
21.50 "Матбуот-экспресс".
22.05 — 22.55 "Взгляд" А. Любимов билан.

## Шанба, 24

### ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 Эстрада тароналари.
9.00 "Кинокўзгуда — ҳаёт". Кинокўрсатув.
9.30 Футбол майдонларида.
10.30 "Қувноқ учрашувлар". Тоҳир Миралиев.
11.30 "Аждодлар мероси — хазина".
12.00 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
12.20—14.20 "Тимсол" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қўшиғим, жон қўшиғим".
18.50 "Санъат олами".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.00 Ёш хонандалар ижросида мумтоз ашулалар.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Назм ва наво". Чустий лирикаси.
22.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

### ЎзТВ II

**"ОМАД" таништиради:**
9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
13.00 "Омад" тақвими.
13.05 "Жозиба".
13.30 "Бир шингил ҳангома".
13.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
14.00 Видео янгиликлари.
14.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
15.10 "Кинонигоҳ".
***
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

**"Тошкент" студияси таништиради:**
19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.30 "Эсдалик учун дастхат".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Антенна".
21.55 "Менинг кўчам".
22.10 "Шаҳар тун оғушида".
22.30 — 00.40 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.

### ЎзТВ III

10.00 "Қаҳрамон Дадаев ижро этади". Фильм-концерт.
10.30 "Бизнен мирас" (татар тилида).
11.10 "Кашфиётлар ва ихтиролар".
11.50 И. Савин, Ж. Тошинов. "Кўчада юрган фақир". М. Ауэзов номидаги Қозоқ Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.05 "Ёшлар ижоди". Нигора Раҳимқулова куйлайди.
14.35 — 14.50 "Телеоператор нигоҳида". Сан-Диего.
***
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мультикарусель".
*
### "ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.05 "Вариацияли мавзу".
20.45 "Дўстлар планетаси".
21.25 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
21.40 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз".
22.20 "Етти иқлим садоси".
22.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
23.05 Барча юлдузлар. Луи Армстронг.
23.50 — 00.10 "Бу ажиб дунё".

### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 "Ўшангача ва ундан сўнг".
19.00 Олег Басилашвилининг кузги марафони.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.45 — 23.05 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Шунга қарамасдан". Бадиий фильм.

## Якшанба, 25

### ЎзТВ I

7.00—9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Яшил чироқ". Ёш йўл назоратчиларининг слёти ҳақида.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 85 — 86-сериялар.
12.00 "Шоҳрух" клуби.
12.30 "Биргаликда куйлаймиз".
13.00 "Марду майдон". Хоразм вилоятидан кўрсатув.
14.00 — 15.30 Футбол бўйича УЕФА кубоги. "Витесс" (Голландия) — "Парма" (Италия).
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Цирк! Цирк! Цирк!"
18.45 "Санъат маскани". Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Мультипанорама".
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Ойнаи жаҳонда..."
21.25 "Якшанба оқшомида". Мусиқий кўрсатув.
22.00 "Ватанни севмоқ иймондандир..."
23.00 — 23.30 "Ҳафтанома".

### ЎзТВ II

**"ОМАД" таништиради:**
17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.45 "Суперспорт".
18.15 Эълонлар.
18.20 Видео — "О".
19.55 Эълонлар.
20.00 "Курьер".
20.20 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар.
20.50 "Суперспорт".
21.25 "Даракчи".
21.35 Эълонлар.
21.40 — 23.20 Видео — "О".

### ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови (такрор.).
11.00 "Ташрифлар ва таклифлар". Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида.
11.20 "Интердиалог".
11.50 "Шимоллик келин". Бадиий фильм.
13.05 "Ариран". Корейс тилида кўрсатув.
13.35 — 13.50 "Телеоператор нигоҳида". Сан-Франциско.
***
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*
### "ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
21.30 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
21.45 "Дунё ва биз". Ўзбекистон — Франция.
22.15 "Ҳафтанома".
22.45 "Мусиқий саёҳат".
23.15 "Спорт, спорт, спорт".
23.25 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
23.40 — 24.00 "Бу ажиб дунё".

### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 "Мусиқий жилолар".
18.30 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.45 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар.
19.45 "Бомонд".
20.00 "Парнас сари босқич". IV Москва халқаро телевизион мусиқий фестивали.
20.25 Ален Делон "Ўтиш" бадиий фильмида ("КТВ-I" ҳамда "Франс интернасиональ" канали).
22.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.
22.50 — 23.30 "Бир боқишда муҳаббат".

